



Ўзбекистон, Toshkent shahar. 100159, Mustaqillik maydoni 5  
tel.: 239-13-10, faks: (99871) 239-16-30, Web-site: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) E-mail: [info@uzedu.uz](mailto:info@uzedu.uz)

« 2 » май 2011 у.

97 - sonli

## Б У Й Р У Қ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги  
121-сон қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2012 йил Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги олимпия ва XIV паролимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги ПҚ-1029-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда спортчиларни республика ва халқаро мусобақаларга самарали тайёрлаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги “Спорт мусобақаларига терма жамоа ва унинг заҳирасини тайёрлаш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 121-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

## Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги 121-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарори билан “Спорт ва оммавий жисмоний тадбирларни ўтказиш ҳамда қатнашчиларнинг моддий таъминоти нормаларини белгилаш тўғрисида”ги ҳамда “Терма жамоалар, спортчи ва тренерлар ҳамда уларнинг жисмоний ресурс ва энергияларини тиклаш, компенсация қилишга ажратилган молиявий маблағларни мақсадли сарфлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлар тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Вазирликнинг Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (Ў.Рашидов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон “Ёшлик” ЖТСЖ Марказий кенгаши билан биргаликда:

3.1. Мазкур қарорини тўлиқлигича таълим тизимидаги бошқарув органларига ва барча таълим муассасаларига етказилишини таъминласинлар.

3.2. Тасдиқланган Низомларга қатъий риоя этилишини доимий назоратга олсинлар.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Халқ таълими вазири ўринбосарлари О.Собиров ва А.Ачиловлар зиммасига юклатилсин.

Вазир

А.Марахимов